

МАҲАЛЛАЛАРДА АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Латипов Ашур Али Рустам ўгли

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти

Телефон ва телеграм: +99897 927-89-94.

ashurali.latipov@mail.ru

Аннотация: мақолада Самарқанд шаҳрида жойлашган маҳаллаларда аҳоли бандлиги ва унинг таркибий тузилишидаги ўзгаришларнинг 2015-2023 йиллардаги динамикаси бўйича статистик таҳлили ёритилган ва олинган натижалар орқали хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: бандлик, ўзини ўзи банд қилиш, иқтисод, маҳалла, хизмат кўрсатиш, камбағаллик, камбағалликни қисқартириш.

АНАЛИЗ ИЗМЕНЕНИЙ ЗАНЯТОСТИ НАСЕЛЕНИЯ И ЕЕ СТРУКТУРЫ В МАХАЛЛЯХ

Латипов Ашура Али Рустам угли

докторант Самаркандского института экономики и сервиса

Аннотация: В статье освещен статистический анализ занятости населения и изменений в его структуре в махаллях, расположенных на территории города Самарканда в 2015-2023 годах, а на основе полученных результатов сформулированы выводы и предложения.

Ключевые слова: занятость, самозанятость, экономика, махалля, сфера услуг, бедность, сокращение бедности.

ANALYSIS OF CHANGES IN EMPLOYMENT AND ITS STRUCTURE IN MAKHALLAS

Latipov Ashur Ali Rustam ugli

Doctoral student of the Samarkand Institute of Economics and Service

Annotation: The article highlights a statistical analysis of population employment and changes in its structure in mahallas located on the territory of the city of Samarkand in 2015-2023, and based on the results obtained, conclusions and proposals are formulated.

Keywords: employment, self-employment, economy, mahalla, service sector, poverty, poverty reduction.

Кириш. Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Охириги йилларда жаҳон мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистонда ҳам кун тартибидаги асосий мавзулардан бири бу аҳолини камбағалликдан чиқариш, уларнинг бандлигини таъминлаш ва уларга тасирчан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. 1993 йилдан буён ҳар йили 17 октябрь “Халқаро қашшоқликка барҳам бериш куни” сифатида БМТнинг рўйхатида белгиланган. БМТ Бош Ассамблеясининг “... дунёмизни ўзгартириш: барқарор ривожланиш бўйича 2030 йил кун тартиби” якуний хужжати 17 та глобал мақсадни ўз ичига олади. Белгиланган 17 та глобал мақсаднинг биринчиси 2030 йилга қадар “ҳамма жойда қашшоқликнинг барча кўринишларига барҳам бериш”дир¹.

Маҳаллаларни қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш, маҳаллабай ишлашга масъул бўлган шахслар фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 127-моддасига мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларга қонунда белгиланган ваколатларини амалга оширишда кўмаклашиш мақсадида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги қабул қилинган “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-402-сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарор маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган.

«Халқни рози қилишимиз учун маҳаллалардаги муаммоларни билиб туришимиз керак. Ҳозир ["беш"] „еттита“ бўлади. „Еттилик“ маҳалладаги вазиятни билиши керак... Агар битта ҳоким ёрдамчиси бир ойда 5 тагина одамни иш билан таъминласа, ёшлар фаоли 5 тагина боланинг дунёқарашини ўзгартирса, худди шундай, аёллар билан [ишланса], улар сони туман миқёсида қанча бўлади? Ўзбекистон тажрибасини, „эшитувчи давлат“ деган иборани амалда бажарамиз десак, бизга тажрибали, фидойи маҳалла раислари керак»², — деди давлатимиз раҳбари.

Таъкидлаш жоизки, амалга оширилаётган ислохотларнинг барчаси инсон қадрини учун бўлиб, одамларимизнинг бугунги кунидан рози бўлиб яшашларини таъминлаш давлатимизнинг бош ғояси эканлигидан далолат бериб турибди. Бу ҳолат мазкур мавзунинг долзарблигини ҳам белгилайди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Аҳолининг бандлигини таъминлаш ва унга таъсир этувчи омилларнинг ҳисоб-китобини аниқлаш, ўзини ўзи банд

¹ <https://www.un.org/sustainabledevelopment/poverty/>

² <https://www.gazeta.uz/uz/2023/09/27/hearing-state/>

қилишнинг бугунги кундаги аҳамияти борасида бир қанча Европа олимлари Lucy Daniels Robert Perrucci, D. M. Wright, Suzan Lewis, Debra L. Nelson, Linda G. Rineo, Jamie Woodcock. МДХ олимларидан Смирнова О.А., Сидорова Е.М., Петров В.С., Иванов А.И кабилар³, тадқиқот олиб борганлар. **Ўзбекистон олимларидан** ушбу йўналишда Қ.Х.Абдурахмонов, М.Қ.Пардаев, М.М.Муҳаммедов, Н.К.Зокирова, Ш.Р.Холмўминов, Д.А.Артиқова, З.Я.Худойбердиев, К.З.Хомитов, Н.У.Арабов, Г.Қ.Абдурахмонова, Г.М.Шодиева кабилар⁴ шуғулланиб келмоқдалар. Аммо ўзини ўзи банд қилиш орқали камбағалликни камайтиришга қаратилган илмий ишлар етарли даражада тадқиқ этилмагани ҳам мавзунинг ўта долзарб муаммонинг ечимига бағишланганлигидан далолт беради.

Тадқиқот методологияси. Аҳолининг бандлигини таъминлашга таъсир этувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўллари тадқиқ қилиш жараёнида индукция ва дедукция, макон ва замон, таҳлил ва синтез каби услублардан ва занжирли алмаштириш усулидан фойдаланилган. Бунда асосан мантиқий таҳлил усуллари орқали ёндошув ҳам қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимизда аҳоли сони, меҳнатга қобилиятли аҳоли сонинг йилдан-йилга ўсиши кузатилиб келинмоқда, бу эса давлатимиз олдида аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган ишларни тизимли равишда амалга оширилиши кўзда тутилган бўлсада. Аммо улардан самарали фойдаланиш масаласи айрим ҳудуд ва тармоқларда биров пайсалга солинмоқда. Ушбу ҳолатни охириги пайтлардаги реал маълумотлар таҳлилидан ҳам кўриб хулоса қилиш мумкин.

Самарқанд шаҳрида жойлашган маҳаллаларда аҳоли бандлиги ва унинг таркибий тузилишидаги ўзгаришларнинг 2015-2023 йиллардаги динамикаси

³ "Self-Employment for the Creative Individual" Lucy Daniels (31 Mar. 2005), The Transformation of Work in the New Economy: Sociological Readings" Robert Perrucci, D. M. Wright, "Work and Family: An International Research Perspective" Suzan Lewis, Debra L. Nelson, "Self-Employment: From Dream to Reality!: An Interactive Workbook for Starting Your Small Business" Linda G. Rineo, "The Gig Economy: A Critical Introduction" - Jamie Woodcock, "Самозанятость как альтернатива традиционной занятости: преимущества и недостатки" - Смирнова О.А., "Семейная занятость и ее влияние на семейные отношения" - Сидорова Е.М., "Самозанятость как форма трудовой занятости: социально-экономический анализ" - Петров В.С., "Занятость населения: сущность, проблемы и пути решения" - Иванов А.И. ва бошқалар.

⁴ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Олий ўқув юртлири учун дарслик. – Т.: FAN. 2019; Абдурахманов К.Х., Зокирова Н.К. Человеческое развитие: учебник.-Т.: ФГБОУ ВПО «РЭУ им. Г.В.Плеханова», 2014. - 320 с.; Холмўминов Ш.Р. Қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши ҳамда уларни моделлаштириш (монография). – Т.: Fan va texnologiya, 2014; Холмўминов Ш.Р. ва бошқалар Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг назарий ва амалий асослари (монография). – Т.: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2018; Артықова Д.А. Проблемы достижения равновесия на рынке труда в условиях углубления рыночных реформ.- Т.: ПГЭУ. 2006; Худойбердиев З.Я. Тадбиркорлик ва ишга жойлаштириш технологияси. Ўқув қўлланма. ILMZIYO, 2016.; Хомитов К.З. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ меҳнат бозорининг самарали ривожланиши муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: ЎЗР ФА Иқтисодиёт институти, 2012, Абдурахманова Г.Қ. Кичик бизнесда аҳолини муносиб меҳнат тамойиллари асосида иш билан таъминлашни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: ТДИУ, 2016, Арабов Н.У. Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини ошириш. Иқтисодиёт фанлари доктори диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018.

бўйича таҳлилий маълумотлар (1-жадвал).

1-Жадвал

Самарқанд шаҳрида жойлашган маҳаллаларда аҳоли бандлиги ва унинг таркибий тузилишидаги ўзгаришларнинг 2015-2023 йиллардаги динамикаси бўйича таҳлилий маълумотлар

Кўрсаткичлар	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил
“Қуйи Хўжасаҳат” маҳалласида									
1. Аҳолининг сони, жами, киши	2611	2869	2904	2983	3020	3130	3180	3265	3265
2. Ўсиш суръати, %	100,0	109,8	111,2	114,2	115,7	119,8	121,8	125	125,0
3. Меҳнатга қобилиятли аҳоли сони	2053	2239	2316	2429	2372	2518	2524	2672	2681
3.1. Ўсиш суръати, %	100,0	109,1	113,0	118,3	115,5	123,0	123,0	130,1	130,6
4. Иш билан банд аҳоли сони, киши	618	605	518	579	662	755	807	948	974
4.1. Ўсиш суръати, %	100,0	118,4	123,1	132,8	137,7	140,9	143,6	155,1	157,6
5. Бандлик даражаси, % (4қ*100/3қ)	30,1	27	22,4	23,8	27,9	30	32	35,5	36,3
6. Ўзини ўзи банд қилган аҳоли сони, киши	110	124	143	157	162	171	178	180	200
6.1. Ўсиш суръати, %	100,0	113,0	130,0	143,0	147,2	155,4	162,0	164,0	182,0
7. Ўзини ўзи банд қилган аҳолининг меҳнатга қобилиятли аҳолидаги улуши, %	5,3	5,5	6,2	6,5	6,8	6,8	7	6,7	7,5
“Ўрта Хўжасаҳат” маҳалласида									
1. Аҳолининг сони, жами, киши	4003	4014	4041	4038	4045	4049	4089	4104	4156
2. Ўсиш суръати, %	100,0	100,3	101	101	101,1	101,1	102,1	102,5	104
3. Меҳнатга қобилиятли аҳоли сони	2713	2784	2799	2867	2908	2972	3068	3203	3321
3.1. Ўсиш суръати, %	100,0	103,0	103,1	106,0	107,1	109,5	113,1	118,1	122,4
4. Иш билан банд аҳоли сони, киши	80	79	81	89	95	100	109	125	137
4.1. Ўсиш суръати, %	100,0	105,1	107,0	110,2	118,	126,	131,	138,2	157,0

					0	7	1		
5. Бандлик даражаси, % (4к*100/3к)	2,95	2,84	2,89	3,1	3,3	3,4	3,5	3,9	4,1
6. Ўзини ўзи банд қилган аҳоли сони, киши	55	58	63	69	70	72	78	80	84
6.1. Ўсиш суръати, %	100,0	105,4	114,5	125,4	127,2	131,0	142,0	145,4	153,0
7. Ўзини ўзи банд қилган аҳолининг меҳнатга қобилиятли аҳолидаги улуши, %	2	2,1	2,3	2,4	2,4	2,4	2,5	2,5	2,5
“Юқори Хўжасаҳат” маҳалласида									
1. Аҳолининг сони, жами, киши	3925	3960	4301	4374	4432	4512	4590	4612	4684
2. Ўсиш суръати, %	100,0	101	109,6	111,4	113	115	117	117,5	119,3
3. Меҳнатга қобилиятли аҳоли сони	3542	3609	3695	3738	3838	3948	4039	4107	4163
3.1. Ўсиш суръати, %	100,0	102,0	104,3	105,5	108,3	111,4	114,0	116,0	117,5
4. Иш билан банд аҳоли сони, киши	153	157	161	168	175	174	176	180	230
4.1. Ўсиш суръати, %	100,0	102,5	105,2	110,0	114,3	114,0	115,0	118,0	150,2
5. Бандлик даражаси, % (4к*100/3к)	43,3	43,5	43,7	45,1	45,8	44,3	43,7	43,9	55,5
6. Ўзини ўзи банд қилган аҳоли сони, киши	40	45	51	57	62	68	74	80	90
6.1. Ўсиш суръати, %	100,0	112,5	127,5	142,5	155,0	170,0	185,0	200,0	225,0
7. Ўзини ўзи банд қилган аҳолининг меҳнатга қобилиятли аҳолидаги улуши, %	1,1	1,2	1,4	1,5	1,6	1,7	1,8	2	2,2

Мазкур жадвалдан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган битта ҳудуддаги учта маҳаллада ҳам ўзгариш суръатлари турлича. Жумладан, жами аҳолининг сони бўйича ўсиш суръати 2015-2023 йиллар давомида “Қуйи Хўжасаҳат” маҳалласида 125,0 %ни ташкил қилади. Ушбк курсаткич “Ўрта Хўжасаҳат” маҳалласида 104,0 %ни ва “Юқори Хўжасаҳат” маҳалласида 119,3 %ни ташкил қилади. Кўриниб турибдики, биргина асосий кўрсаткич бўлган аҳоли сонининг ўсиши бўйича ҳам маҳаллаларда кескин фарқлар сезилмоқда. Бу албатта бошқа кўрсаткичларга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Яна бир муҳим кўрсаткич меҳнатга қобилиятли аҳоли сонининг 2015-2023 йиллар давомидаги ўзгаришларига эътиборни қаратадиган бўлсак, “Қуйи Хўжасаҳат” маҳалласида 130,6 %ни ташкил қилади. Ушбк курсаткич “Ўрта Хўжасаҳат” маҳалласида 122,4 %ни ва “Юқори Хўжасаҳат” маҳалласида 117,5 %ни ташкил қилади. Кўриниб турибдики, аҳолининг ўсиши билан меҳнатга қобилиятли аҳолининг ўсиши бир хил эмас. Барча маҳаллаларда аҳолининг ўсишига нисбатан меҳнатга қобилиятли аҳолининг ўсиши юқори бўлиб келмоқда. Бунинг сабабларидан бири янги туғилиб улғайганларнинг сони аҳолининг табиий камайишига қараганда юқори даражага эга.

Навбатдаги кўрсаткич иш билан банд аҳоли сонининг ўсиш суръатига тўхталадиган бўлсак, бунда ҳам ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Таҳлил қилинаётган 2015-2023 йиллар давомида “Қуйи Хўжасаҳат” маҳалласида ушбу кўрсаткичнинг ўсиш суръати 158,0 %ни ташкил қилади. Ушбу кўрсаткич бўйича “Ўрта Хўжасаҳат” маҳалласида ўсиш суръати 171,2 %ни ва “Юқори Хўжасаҳат” маҳалласида 150,3 %ни ташкил қилади. Бу ерда иш билан банд аҳолининг сони кескин ўсган. Бунга бир қанча сабаблар мавжуд. Ҳудудларда янги иш ўринларини яратиш орқали камбағалликни қисқартириш сиёсати билан бирга ўзини ўзи иш билан таъминлаш масаласи ҳам устуворликни ташкил қилмоқда.

Мазкур маълумотларни таҳлил қилиш натижасида аҳолини янги иш ўрнига эга бўлишда замонавий рақамли технологиялардан фойдаланиб хизмат кўрсатувчилар сонини кескин кўпайтириб бориш лозим. Чунки, 2024 йил 1 мартдан бошлаб “Ҳар бир маҳалладан икки нафар дастурчи” дастури жорий этилиши кўзда тутилган эди. Бу мазкур соҳанинг кўпайишига муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ушбу дастур доирасида маҳаллаларда кенг қўламли ишлар белгиланган. Хусусан, ёшлар етакчилари томонидан маҳалла фаоллари иштирокида ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасига қизиқувчи ёшлар аниқланиб олинади. Чунки бундай ёшлар ҳар бир маҳаллада мавжуд. Уларни инглиз ва бошқа хорижий тилларга ўқитиш ҳамда сертификатлар олишини ташкил этиш, сертификат олган ёшлар тўғрисида маълумотларни тўплаб, Рақамли технологиялар вазирлигининг махсус ахборот тизимига киритиб бориш амалиёти жорий қилинади. Ушбу кадрлардан нафақат битта ҳудуд ёки мамлакатимиз доирасида, балки бутун дунё миқёсида фаолият кўрсатишга имкониятлар яратилади.

Рақамли технологиялар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан махсус ахборот тизимига киритилган ёшларни ўзини ўзи банд қилиш билан бирга, ИТ соҳасида фаолият юритаётган ташкилотларга йўналтириш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашиш чоралари ҳам кўрилади. Шу йўналиш инсон капиталининг шаклланишига катта ҳисса қўшиш имкониятини яратади.

Хулоса ва таклифлар. Кўриниб турибдики, маҳаллани бошқариш бўйича турли соҳаларни қамраб оладиган катта куч бирлашди. Оқибатда эҳтиёжманд аҳолини рўйхатга киритиш, моддий ёрдам, субсидия ва кредит ажратиш каби 70 дан ортиқ масалалар, туман ва вилоят идораларига чиқмасдан, маҳалланинг ўзида жамоавий ҳал қилинадиган бўлди. Шунингдек, Бандлик, Тадбиркорлик ва Касаначилик жамғармалари маблағлари ҳар бир маҳаллага тақсимлаб бериладиган бўлиши ҳам анча қулайликларга олиб келмоқда.

Замонавий Ўзбекистонда маҳалла ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш ва жамият тараққиётига хизмат қилувчи қатор муҳим вазифаларни бажаради. Маҳалланинг асосий вазифаларидан бири жамиятда ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳамжиҳатликни таъминлашдир. Маҳаллаларда одамлар бир-бирига ғамхўрлик қилади, қийин вазиятда ўзаро ёрдам кўрсатади. Ижтимоий масъулиятнинг бу шакли ўзига хос ишонч ва яқинлик муҳитини яратади.

Биринчидан, Маҳаллалар томонидан тадбиркорлик субъектларига консултатив хизматлар кўрсатиш, уларга маҳсулотини реализация қилишга қўмаклашишни янада ривожлантириш.

Иккинчидан, Эҳтиёжманд оилалар учун “Кўмак жамғармаси” маблағларини жалб қилиш ва тақсимлаш.

Учинчидан, Маҳалла аҳолиси учун маиший хизмат кўрсатиш объектларини ташкил қилиш.

Хулоса қилиб айтганда, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг барчаси ва уларни ҳал қилиш йўллари, инсон қадрини учун бўлиб, одамларимизнинг бугунги кундан рози бўлиб яшашларини таъминлаш давлатимизнинг бош ғояси эканлигидан далолат бериб турибди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://xs.uz/uzkr/post/khizmatlar-sohasini-rivozhlantirish-bojicha-ustuvor-jonalishlar-belgilandi>
2. Lucy Daniels "Self-Employment for the Creative Individual" (31 Mar. 2005),
3. Robert Perrucci, D. M. Wright "The Transformation of Work in the New Economy: Sociological Readings".
4. Linda G. Rineo "Self-Employment: From Dream to Reality!: An Interactive Workbook for Starting Your Small Business", Jamie Woodcock, "The Gig Economy: A Critical Introduction".
3. <https://www.gazeta.uz/uz/2023/09/27/mahalla/>
4. Холмўминов Ш.Р., К.З.Хомитов, Ж.Х.Бобаназарова, Х.Х.Абдураманов, Н.Р.Саидов. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг стратегик йўналишлари. Монография. – Тошкент, «Инновацион ривожланиш нашриёт –

матбаа уйи», 2020. – 278 б.

5. Умурзаков Б.Х. ва бошқалар. Меҳнат ресурслари шаклланиши ва тақсимланишининг ҳудудий усуллари. Монография. – Тошкент, «LESSON PRESS», 2017. – 184 б.

6. Икромов М.А., Пардаев М.Қ., Абдухалилова Л.Т. Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлил. Дарслик. – Т.: “Инновационривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2022. – 470 бет.

7. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И., Холикулов А.Н., Яхёев Т.И. Меҳнат кўрсаткичлари таҳлили. Ўқув қўлланма. – Самарқанд. “FAN BULOG’I”: 2022. – 176 бет.

8. Пардаев М.Қ., Пардаев О.М. Камбағалликни баҳолаш ва уни камайтириш йўллари Самарқанд, СамИСИ, 2020. – 68 бет.

9. Пардаев М.Қ., Пардаев Олим, Пардаева Озода. Ўзини ўзи банд қилиш йўллари. Илмий-амалий тавсия. – Самарқанд, СамИСИ, 2020. – 72 б. – 4,5 б.т.

10. Ўзбекистон Давлат статистикаси қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги солиқ қўмитаси маълумотлари www.stat.uz
www.soliq.uz.